

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.03/05.06.2020.Т.03.06 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ҚАРШИ МУҲАНДИСЛИК-ИҚТИСОДИЁТ ИНСТИТУТИ

БОБОМУРОДОВ ЎТКИР ЗИЯДУЛЛАЕВИЧ

**КОНЛАРНИ ОХИРГИ ИШЛАШ БОСҚИЧИДА ҚОЛДИҚ НЕФТЬ
ЗАХИРАЛАРИНИНГ ТЎПЛАНГАН ЗОНАЛАРИНИ АНИҚЛАШ
МЕТОДЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

04.00.13 – Нефть ва газ конларини ўзлаштириш ҳамда ишлатиш

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент - 2022

Фалсафа (PhD) доктори диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)

Бобомуродов Ўткир Зиядуллаевич

Конларни охирги ишлаш босқичида қолдиқ нефть захираларини тўпланган зоналарини аниқлаш методларини такомиллаштириш.....3

Бобомуродов Уткир Зиядуллаевич

Совершенствование методов установления зон сосредоточения остаточных запасов нефти, в поздней стадии разработки месторождений.....19

Bobomurodov Utkir Ziyadullayevich

Improvement of methods for establishing zones of concentration of residual oil reserves, in the late stage of field development.....35

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works.....38

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.03/05.06.2020.Т.03.06 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ҚАРШИ МУҲАНДИСЛИК-ИҚТИСОДИЁТ ИНСТИТУТИ

БОБОМУРОДОВ ЎТКИР ЗИЯДУЛЛАЕВИЧ

**КОНЛАРНИ ОХИРГИ ИШЛАШ БОСҚИЧИДА ҚОЛДИҚ НЕФТЬ
ЗАХИРАЛАРИНИНГ ТЎПЛАНГАН ЗОНАЛАРИНИ АНИҚЛАШ
МЕТОДЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

04.00.13 – Нефть ва газ конларини ўзлаштириш ҳамда ишлатиш

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент - 2022

Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация
комиссиясида В2020.4.PhD/T1929 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент давлат техника университетида бажарилган.
Диссертация автореферати уч тилда (Ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий Кенгаши веб
саҳифаси (www.ibtu.uz) ва "ZiyoNet" Ахборот таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

| | |
|----------------------------|--|
| Илмий раҳбар: | Махмудов Назирилла Васимханович техника фанлари доктори, профессор |
| Расмий тақрирчилар: | Закиров Алимджан Абаураҳимович техника фанлари доктори, профессор Асадова Хулқар Баймаиовна техника фанлари номзоли, доцент |
| Ўтақчи ташкилот: | Бухоро муҳандислик-технология институтини |

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат техника университети ҳузуридаги илмий даражалар
Берувчи DSc.03/05.06.2020.T.03/06 рақамли Илмий Кенгашининг 2022 йил "28" Февраль соат "14:00"
даги мажлисида бўлиб ўтди (Манзил: 100097, Тошкент шаҳри, Университет кўчаси, 2,
Муҳандислик технологиялари факультети, 215-хона. Тел/факс: (+99871) 246-46-00, факс: (+99871)
227-10-32, e-mail: tsu_info@ibtu.uz)

Диссертация билан Тошкент давлат техника университети Ахборот-ресурс марказида
таъиниши мумкин (№ 241-рақами билан рўйхатга олинган) (Манзил: 100097, Тошкент шаҳри,
Университет кўчаси, 2, Тел: (+99871) 246-03-41).

Диссертация автореферати 2022 йил "___" _____ кунин тарқатилди.
(2022 йил "___" _____ даги ___ рақамли реестр баённомаси).



Рахимов А.А.
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
райиси, техника фанлари доктори

Каримов Ш.А.
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
илмий котиби, техника фанлари бўйича
фалсафа доктори (PhD)

Алиев Б.А.
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
комиссияси илмий семинар райиси
техника фанлари доктори

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунёда барча мамлакатларнинг нефть ва газ саноатидаги асосий муаммо ишлашнинг сўнгги босқичидаги конлардаги нефтнинг геологик захираларини тўлиқ қазиб чиқариш ҳисобланади. Сўнгги йилларда дунёнинг кўплаб мамлакатларида қазиб олиш қийин бўлган захиралар улушининг жадал ошиши сабабига ўртача нефть қазиб олиш коэффициентининг пасайиши кузатилмоқда. Ушбу йўналишда конларни ишлашнинг самарадорлигини ошириш учун уларнинг геологик-физик шароитларига ва амалга оширилган тизимларга боғлиқ равишда нефть қазиб чиқаришни жадаллаштиришнинг турли усуллари жорий этилмоқда. Тадбиқ этилган геологик-техник тадбирларнинг самарадорлиги кўп жиҳатдан ишлатилаётган майдонлардаги қолдиқ нефть захиралари концентрацияси зоналарини ишончли тарзда ўрнатилишига боғлиқ ҳисобланади.

Жаҳонда қолдиқ нефть захиралари концентрацияланган зоналарини башорат қилишнинг методологик асослари ривожланиши турли усуллардан комплекс фойдаланишга йўналтирилган. Қолдиқ нефть захираларининг ҳосил бўлиши механизмининг етарли даражада ўрганилмаганлиги ва конларнинг геологик тузилишининг мураккаблиги сабабли ҳозирги вақтда қолдиқ нефть захираларини баҳолашнинг умумий қабул қилинган услублари мавжуд эмас. Ушбу йўналишда олиб борил лаётган тадқиқотлар захираларни ҳисоблашнинг ҳажмий усулидан, нефтни сув билан сиқиб чиқариш тавсифидан, скважинлар интерференцияси ва компьютерли моделлаштиришлардан фойдаланишга қолдиқ нефть захираларини тарқалганлик харитасини куришга асосланган. Бу усулларнинг ҳаммаси ўзига хос камчиликларга эга бўлиб улар қолдиқ нефть захирали зоналари конфигурацияси ва ўлчамларини ишончли аниқлаш имконини бермайди, натижада нефтни қазиб чиқаришни орттириш бўйича олиб борилаётган геолого-техник тадбирларнинг самарадорлигини пасаяди. Ушбу муоммони ҳал қилиш учун конларни охириги ишлаш босқичида қолдиқ нефть захиралари концентрацияланган зоналарини башорат қилиш учун қўшимча мезонлардан фойдаланиш керак.

Республикамизда ҳозирги кундаги ишлатилаётган конларда анъанавий геологик-техник чора-тадбирларни кўллаш билан бир қаторда қатламларни гидравлик ёриш, горизонтал скважинларни бурғилаш, қатламни радиал очиш ва бошқа илғор технологияларни жорий этиш йўли билан нефть қазиб чиқариш даражасини ошириш бўйича кенг миқёсли ишлар олиб борилмоқда. Ўзбекистон Республикасини ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегиясида¹ “...ишлаб чиқаришга энергия тежайдиган технологияларни кенг жорий этиш, иқтисодиёт тармоқларида меҳнат унумдорлигини ошириш, шунингдек, саноат тармоқлари фаолиятини янги технологик даражага кўтариш учун ишлаб чиқаришни рағбатлантириш сиёсатини давом эттириш...”

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси» тўғрисидаги Фармон

белгилаб берилган. Ушбу вазифалардан келиб чиққан ҳолда қолдиқ нефть захираларини концентрацияланган зоналарни баҳолаш усулларини такомиллаштириш, амалга оширилаётган геологик-техник тадбирларнинг ва нефть уюмларини ишлатиш самарадорлигини ошириш муҳим амалий аҳамиятга эга ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони, 2017 йил 9 мартдаги ПҚ-2822-сон “2017-2021 йилларда углеводород хом-ашёсини қазиб чиқаришни ошириш бўйича программани тасдиқлаш тўғрисида”ги ва 2019 йил 9 июлдаги ПҚ-4388-сон “Аҳоли ва иқтисодиётни энергия ресурслари билан барқарор таъминлаш, нефть ва газ тармоғини молиявий соғломлаштириш ва унинг бошқарув тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисидаги”ги қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологияларини ривожлантиришнинг VIII “Ер тўғрисидаги фанлар (геология, геофизика, сейсмология ва минерал хомашёларни қайта ишлаш)” устувор йўналишларига мувофиқ равишда бажарилган.

Муаммони ўрганилганлик даражаси. Қатламдаги қолдиқ нефть концентрацияси зоналарини башорат қилишнинг услубий асосларни кўплаб тадқиқотлар яратишга бағишланган.

Уюмларни охириги ишлатиш босқичларида қатламлардаги қолдиқ нефть захиралари ҳажмини ва уларнинг тарқалганлигини аниқлашнинг турли масалаларни ўрганишга Абасов М.Т., Аванесова М.Г., Алиева И.Н., Белоногова Б.А., Хисамутдинов Н.К., Тахаутдинов Ш.Ф., Юркив Н.И., Сургучев М.Л., Колганов А.П., Гавура А.В., Зокиров С.Н., Крилов А.П., Рустамов И.Ф., Сагитова Д.К., Гортунов А.Т., Забродина Д.П., Korbul R. Krakstad O.S., Вирсов В.В., Шагалин Р.Р., Токарев М.А., Жданов М.А., Кривова Н.Р., Воитов О.В. ва бошқаларнинг ишлари бағишланган.

Ўзбекистон конларида бу муаммони турли масалалари Агзамов А.Х., Азимов П.К., Ирматов Э.К., Назаров С.Н., Назаров У.С., Мавлянов А.В., Махмудов Н.Н., Мухидов А.Р., Бекметов О.К., Джалилов М.М., Сидиқхўжаев Р.К., Акрамов Б.Ш., Хаитов О.Г., Гулямов Р.А. ва бошқаларнинг ишларида ёритилган.

Фан ва технология ривожланишининг ҳозирги ҳолати узоқ вақт ишлатилган уюмлардаги қолдиқ нефть захиралари тўпланган концентрацияланган зоналарини башоратлаш усулларини такомиллаштириш заруриятини белгилаб, улар маҳсулдор қатламлардан нефть қазиб чиқариш даражаси ва суръатини ошириш бўйича геологик-техник тадбирларни асослашга йўналтирилган.

Бугунги кунга қадар қатламда қолган қолдиқ нефтни баҳолашнинг умумий қабул қилинган ёндашуви йўқ ва уларнинг ҳосил бўлиш механизми етарлича ўргинилмаган, бу эса қатламда қолган нефть захиралари ҳажмини ва майдонда тарқалганлигини башоратлаш усулларини такомиллаштиришни талаб қилади.

Шу сабабли, аниқ натижаларни олиш учун маҳсулдор қатламдан нефть қазиб олиш механизмини нисбатан тўлиқ тавсифловчи қўшимча мезонлардан фойдаланиш зарурияти юзага келади.

Бундай ёндашув қолдиқ нефть захиралари ҳажмини ва концентрацияланган зоналарини нисбатан ишончли аниқлашга имкон беради ва қазиб чиқаришни ошириш бўйича геологик-техник тадбирларни асослаш ва нефть қазиб чиқариш коэффицентини оширишнинг самарали усули ҳисобланади.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Қарши муҳандислик-иқтисодиёт институти илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ №65-пуд-13 “Учтепа ва Хартум конларининг жорий ишлаш ҳолати таҳлили”, №НГИ/51-18 “Шакарбулок конида нефть олишни барқарорлаштириш бўйича таҳлил ва геологик-техник тадбирлар ишлаб чиқиш” мавзуларидаги лойиҳалари доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади ишлатишнинг охириги босқичидаги конларда қолдиқ нефть захиралари концентрацияланган зоналарини башоратлаш усулларини такомиллаштиришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

қолдиқ нефть захиралари концентрацияланган зоналарини башорат қилиш усуллари таҳлил қилиш;

нефтни сув билан сиқиб чиқариш коэффицентини аниқлаш бўйича ўтказилган экспериментал тадқиқотлар натижаларини умумлаштириш;

қолдиқ нефть захиралари концентрацияланган зоналарини башорат қилиш усуллари такомиллаштириш;

қолдиқ нефть захиралари ҳажмини ҳисоблаш алгоритми ва уларнинг уюм майдонида концентрацияланган зоналарини харитасини ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида ишлашнинг охириги босқичидаги нефть уюмлари олинган.

Тадқиқотнинг предметини ишлашнинг охириги босқичидаги конлардаги қолдиқ нефть захиралари ва улар концентрацияланган зоналарини башорат қилиш усуллари такомиллаштириш ташкил этган.

Тадқиқотнинг усуллари. Қўйилган вазифаларни ечишда кон-геологик маълумотларини, лаборатория-тажриба тадқиқотларини қайта ишлашнинг статистик усуллари ва кўп факторли регрессион таҳлил ва умумлаштириш усуллари қўлланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

қолдиқ нефть захиралари ҳажмини башорат қилиш ва уларнинг тарқалганлик харитасини қуриш усуллари афзалликлари ва

камчиликлари аниқланди, ишончли натижалар олиш учун қўшимча мезонлардан фойдаланиш зарурлиги асосланган;

кам ўтказувчан коллекторлар учун нефтни сув билан сиқиб чиқариш коэффициентининг математик модели олинган;

қолдиқ нефть захиралари ҳажмини ҳисоблаш ва уларнинг тарқалганлик харитасини қуриш учун нефть қазиб чиқариш коэффициентининг таркибий қисмларини аниқлашга асосланган ҳисоблаш алгоритми ишлаб чиқилган.

қатламдаги қолдиқ нефтни қазиб чиқариш бўйича самарали геологик-техник тадбирларни танлаш имконини берувчи унинг ҳажмини башорат қилиш услуби такомиллаштирилган;

Тадқиқотнинг амалий натижалари қўйидагилардан иборат:

амалга оширилаётган ишлаш системасида сиздириш жараёни билан қамраб олинмаган зоналарни аниқлаш имконини берувчи қатламдаги қолдиқ нефть захираларининг тарқалганлик харитасини қуриш алгоритми ишлаб чиқилган;

кичик ўтказувчанликка эга коллекторли объектлар учун нефтни сув билан сиқиб чиқариш коэффициентини аниқлаш имконини берувчи математик модели яратилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончилиги. Олинган натижаларнинг ишончилиги конларни ишлатишда олинган ҳақиқий кўрсаткичлар билан лаборатория-тадқиқот маълумотларини таққослаш орқали, математик моделларни ва ўрнатилган боғлиқликларни юқори корреляция коэффициентлари, ҳамда тавсия этилган синов ишлари натижалари билан тасдиқланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти қолдиқ нефть захиралари ҳажми ва тарқалган зоналарини башорат қилиш усулини, сиқиб чиқариш ва қамраб олиш коэффициентларини аниқлаш билан усулни такомиллаштириш, маҳсулдор қатламнинг ўртача ўтказувчанлигига билан сиқиб чиқариш коэффициентини орасидаги боғлиқликни ўрнатишда тизимли ёндашишдан иборат.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти қолдиқ нефть захираларини тақсимланиш харитасини тузишдан, маҳсулдор қатламни кам сиздирилган ва сиздирилмаган зоналарини ажратишдан, геологик захираларни қазиб чиқариш даражаси ва суратини ошириш бўйича геологик-техник тадбирларни асослашга хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Конларни охириги ишлаш босқичида қолдиқ нефть захираларининг тўпланган зоналарини аниқлаш методларни такомиллаштириш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

уюмнинг кам сиздирилган майдонларидаги бошланғич скважинлар тўрини зичлаштирувчи скважинларни бурғилаш технологияси “Андижоннефтгаз” АЖнинг Учтепа ва Хартум конларида жорий этилган (“Ўзбекнефтгаз” АЖнинг 2020 йил 14 сентябрдаги 05-25-1-104-сон

маълумотномаси). Натижада, қўшимча нефть олиш суратини ортишига (01.11.2019 й.) Учтепа конининг №11 скважинасида 2 тонна, Хартум конининг №83 ва №84 скважинларида мос равишда 6 тонна ва 6 тоннадан қўшимча нефть қазиб олиш имконини берган;

қолдиқ нефть захираларини башорат қилиш ва уларнинг тарқалганлик харитасини куришнинг такомиллаштирилган усули “Гиссарнефтьгаз” МЧЖ қўшма корхонасига қарашли Шакарбулоқ конида жорий этилган (“Ўзбекнефтьгаз” АЖнинг 2020 йил 14 сентябрдаги 05-25-1-104-сон маълумотномаси). Натижада, қолдиқ захиралар тўпланган худудда 9 та янги скважин бурғилашида 7 тасидан саноат аҳамиятидаги нефть оқими олинган, скважинлар фондидан фойдаланиш коэффиценти базовий 30% дан 45% гача ва нефть қазиб чиқаришнинг башорат қилинган коэффиценти 18,64% дан 34% гача ошириш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқотларнинг асосий натижалари 5 та халқаро ва 7 та Республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган ҳамда маъқулланган.

Тадқиқот натижажаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация иши натижалари 18 та нашрда эълон қилинган, улардан 4 та Ўзбекистон Республикаси Олий Аттестация Комиссияси томонидан тавсия этган илмий журналларда, шу жумладан 3 та Республика, 1 та хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, 3 боб, умумий хулосалар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат бўлиб, 119 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотнинг долзарблиги ва зарурати, мақсад ва вазифаси асосланади, тадқиқот объекти тавсифланади, Республика илм-фан ва технологияларини ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мувофиқлиги белгиланади, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари келтирилади, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилади, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий этилганлиги, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Қолдиқ нефть захираларини тақсимланишини баҳолаш усулларини танқидий таҳлили”** номли биринчи бобида захираларни ҳажмий ҳисоблаш, нефтни сув билан сиқиб чиқариш тавсифи, скважинлар интерференцияси ва компьютер моделлаштиришга асосланиб қолдиқ нефть захираларининг хариталарини амалдаги куриш усулларини таҳлили натижалари келтирилган, уларнинг ҳар бирига ўзига хос камчиликлари кўрсатилган. Ушбу камчиликлар қолдиқ нефть захиралари зоналари ўлчамларини ва жойлашишини аниқлашда хатоликларга олиб келади ва уларни қазиб олиш бўйича тадбирларнинг самарадорлигини камайтиради.

Бугунги кунда конларни ишлатиш жараёнида қолдиқ нефть захираларини жамланган зоналарини аниқлашда маълум даражадаги тажрибага эришилди ва

нефть олишни жадаллаштириш, ҳамда якуний нефть қазиб олишни коэффициентини оширишдаги геологик-техник тадбирларни самарали асослаш йўли эканлигини кўрсатди. Бироқ ҳамма қабул қилинган баҳолаш ёндашувини ва қатламда қолдиқ нефтни ҳосил бўлиш механизминини етарли даражада ўрганилмаганлиги башорат қилиш ва уларни уюм ҳажмида тақсимланганлик харитасини тузиш усулини янада такомиллаштиришни талаб этади.

Шу сабабли жорий этилган ишлатиш тизимида қамраб олинмаган қолдиқ нефть захиралари зоналарини нисбатан ишончлироқ аниқлаш учун уларни скважинлар билан ишлашда қамраб олинган қатламни турли зоналарини геологик-физик кўрсатишлари хусусиятларини ҳисобга олиш ва мавжуд маълумотлардан фойдаланишга асосланган тарзда такомиллаштириш зарурати тўғилади.

Қолдиқ нефть захираларининг тақсимланганлик харитасини куриш усулини такомиллаштиришдан мақсад амалдаги усулларни инкор этиш эмас, балки объектда жорий этилган ишлатиш тизимини самарадорлигини ошириш бўйича ўз вақтида тавсиялар ишлаб чиқиш ҳисобланади.

Қолдиқ нефть захираларининг тақсимланганлик харитасини куришни такомиллаштирилган усули академик А.П.Крилов томонидан таклиф этилган якуний нефть қазиб олиш коэффициенти-нефтни сув билан сиқиб чиқариш ($K_{с.ч.}$) ва сув бостириш билан қамраб олинганлик ($K_{кам}$) коэффициентлари кўпайтмаси кўринишидаги маълум формуласидан фойдаланишга асосланган.

$$НБК = K_{с.ч.} \cdot K_{кам} \quad (1)$$

Агар (1) формуладан фақат алоҳида скважин билан қамраб олинган сиздирилиш зонасига қўлланилиб фойдаланилса, $K_{кам} = 1$ тенг бўлади, нефть бераолишлик коэффициенти эса $K_{с.ч.}$ га яъни мумкин бўлган максимал қийматга интилади, қолдиқ нефть захиралари жамланган зоналар ишлатилаётган скважинларнинг сизилиш чегараларидан ташқарида бўлади.

Қабул қилинган ҳолатларга асосланиб қолдиқ нефть захираларини тақсимланганлик хариталарини куришни қуйидаги кетма-кетликда амалга ошириш таклиф этилади.

1. Барча ишлатишдаги скважинлар учун нефть ва суюқлик олиш маълумотлари асосида нефтни сув билан сиқиб чиқариш тавсифи Q_c/Q_n ва Q_c координаталарида курилади (Q_c ва Q_n - умумий қазиб олинган суюқлик ва нефть).

2. Кичик квадратлар усули билан сиқиб чиқариш тавсифининг охириги тўғри чизиқли участкаси учун “а” ва “в” коэффициентлари аниқланади.

3. Нефтнинг бошланғич олинадиган захиралари қуйидаги формула бўйича ҳисобланади:

$$Q_{к.ол} = \frac{1}{B} \quad (2)$$

4. Ҳар бир ишлатиш қудуғи билан қамраб олинган сиздирилиш ҳажмидаги нефтнинг фаол баланс захиралари қуйидаги формула бўйича аниқланади:

$$Q_{\text{қ.ол}} = \frac{Q_{\text{қ.ол}}}{K_{\text{с.қ}}} \quad (3)$$

5. Нефть захираларини ҳисоблашнинг ҳажмий усули формуласидан фойдаланиб нефтнинг баланс захиралари ҳажми асосида ҳар бир ишлатиш қудуғи бўйича уларнинг тарқалганлик майдони топилади.

$$F_{\text{нбз}} = \frac{Q_{\text{нбз}}}{h \cdot m \cdot k_{\text{н}} \cdot \rho_{\text{н}} \cdot \theta} \quad (4)$$

бу ерда: $Q_{\text{нбз}}$ - скважиннинг сиздирилиш билан қамраб олинган ҳажмдаги нефтнинг баланс захиралари.

6. Нефтнинг сиздирилиш билан қамраб олинган баланс захиралари тарқалган майдонларни схематик харитаси қурилади. Шунинг таъкидлаш керакки, сиздирилиш билан қамраб олинган ҳажмдаги нефть захиралари тарқалган майдоннинг конфигурацияси скважин атрофида ҳар хил шаклларда бўлиши мумкин. Ҳозирги вақтда иккита қўшни скважинлар билан сиздирилиш билан қамраб олинган нефть захиралари оралиғидан чегараларни ўтказиш бўйича аниқ тавсиялар йўқ. Аммо, нефть захиралари ҳажмларини чизиқли интерполациясининг камчиликларини ҳисобга олиб, айниқса скважинларнинг сийрак тўри шароитида, қўп ҳолатларда уюм формасини гидродинамик ҳисоблари олиб бораётганда шартли равишда айлана шакли қабул қилинади. Баланс захираларнинг тақсимланганлик майдони доира билан кўрсатилади, яъни скважин атрофида қатламнинг сиздирилиш билан қамраб олинган ҳажмларининг тенг тақсимланиши қабул қилинади.

Қазиб чиқариш скважинлари билан қамраб олинмаган майдонлар мавжуд ишлатиш тизимида ишлатишга жалб қилинмаган қолдиқ нефть захиралари майдонини англатади, яъни

$$\sum_{i=1}^n f = F_{\text{н.май}} - F_{\text{қол.н}} \quad (5)$$

бу ерда: $\sum_{i=1}^n f_{\text{н.май}}$ – скважинлар бўйича сиздирилиш бўйича қамраб олинган нефть захиралари майдонлари йиғиндиси;

$F_{\text{н.май}}$ – нефтлик майдони;

$F_{\text{қол.н}}$ – сиздирилиш билан қамраб олинмаган нефть захиралари майдони.

7. Ҳажм усули билан ҳисобланган қолдиқ нефтнинг баланс захираларини аниқлаймиз:

$$Q_{\text{н.нбз}} = Q_{\text{тнбз}} - Q_{\text{нбз}} \quad (6)$$

$$Q_{\text{с.нбз}} = Q_{\text{нбз}} - \sum_{i=1}^n Q_{\text{қ.ол}} \quad (7)$$

бу ерда $Q_{\text{тнбз}}$ - ҳажмий усул билан ҳисобланган нефтнинг тасдиқланган баланс захиралари.

$\sum_{n_i}^n Q_{\text{қ,ол}}$ - скважинлар бўйича қазиб олинадиган нефть захиралари йиғиндиси.

8. Олинган $Q_{\text{нбз}}$ ва $Q_{\text{тнбз}}$ қийматлари тахлил қилинади. Скважинларнинг сиздирлиш билан қамраб олинган зоналардаги қолдиқ нефтнинг баланс захираларини қазиб олиш учун сиқиб чиқариш ($Q_{\text{с.нбз}}$) коэффициентини ошириш бўйича геологик-техник тадбирлар, сиздирилиш билан қамраб олинган зоналардаги қолдиқ нефть захираларини қазиб чиқариш учун эса қатламни қамраб олиш коэффициентини ошириш бўйича ГТТ ўтказилади.

Уюмларнинг геологик-физик шароитлари кўрсаткичлари ва мавжуд ишлатиш тизимлари асосида нефтнинг қолдиқ захираларини қазиб чиқариш усулларини танлаш уларнинг умумий қабул қилинган самарали қўллаш мезонлари асосида амалга оширилади.

Диссертациянинг **“Нефтни сув билан сиқиб чиқариш коэффициентини экспериментал тадқиқотлари натижаларини умумлаштириш”** номли иккинчи бобида сиқиб чиқариш коэффициентини унинг катталигини аниқловчи турли омиллардан боғлиқлигини ўрнатиш ва ўрнатилаётган жараёнга кўплаб кўрсаткичлар таъсирини тавсифловчи объектив қонуниятлари аниқлаш натижалари келтирилган.

Ўзбекистон конларининг геологик-физик шароитлари учун нефтни сув билан сиқиб чиқариш коэффициентини аниқлаш бўйича экспериментал тадқиқотлар асосан фақат асосий объектлар бўлган Кокдумолоқ, Шимолий Ўртабулоқ, Қруқ ва Шакарбулоқ учун ўтказилган. Тадқиқотларда фойдаланилган жинс намуналари юқори юра карбонат ётқизикларидаги мураккаб турдаги коллекторлар билан ифодаланган XV-PO, XV-P, XV-PU маҳсулдор горизонтлардан олинган. Ушбу экспериментал тадқиқотлар чет эл, ҳамда юртимиз илмий-лойиҳалаш институтлари “ВНИИнефть” АК (Россия), “БелНИГРИ” (Россия), “ИГРНИГМ” АЖ, “ЎзбекНИПИнефтьгаз” АЖ, “СредАЗНИПИнефть” ва бошқа ташкилотлар томонидан бажарилган. Нефтни сув билан сиқиб чиқариш коэффициентини аниқлаш бўйича ушбу экспериментал тадқиқотларнинг асосий қайта ишлаш натижалари 1-жадвалда келтирилган.

Ҳисоблаш натижалари кўрсатишича, нефтни сув билан сиқиб чиқариш жараёнига энг катта таъсирни коллекторнинг ўтказувчанлиги, камроқ даражада босим пасайиши ва қатлам ҳарорати кўрсатади. Шунини таъкидлаш керакки, сиқиб чиқариш жараёнига нефть ва сувнинг қовушқоқлик хоссаларининг таъсири аниқланмади, ушбу кўрсаткичларни ўзгариши чегаралари жуда кичик мос равишда 1 дан 3 гача ва 0,6 дан 0,8 мПа*с гача.

1-жадвал маълумотларига кўра регрессия тенгламаси коэффициентлари аниқланган:

**Кўп ўлчамли корреляцион боғлиқликни ҳисоблаш учун
корреляцион матрица**

1-жадвал

| Кўрсаткичлар | Корреляция коэффициентлари | | | | | | Ўртача қиймат | Ўртача квадрат оғиш |
|-----------------------------|----------------------------|--------|---------|----------------------|--------|------------------|-----------------------|---------------------|
| | К _{с.ч} | К | В | Р _{гид.сик} | ΔР | t _{кат} | | |
| Сиқиб чиқариш коэф-фициенти | 1,0000 | 0,8996 | -0,0488 | -0,0704 | 0,4264 | 0,3457 | 0,38 | 0,2433 |
| Ўтказувчанлик | 0,8996 | 1 | 0 | 0 | 0 | 0 | 11,7·10 ⁻³ | 0,0129 |
| Сувга тўйинганлик | -0,0488 | 0 | 1 | 0 | 0 | 0 | 45,4 | 24,0796 |
| Гидравлик сиқилиш босими | -0,0704 | 0 | 0 | 1 | 0 | 0 | 16,2 | 2,8196 |
| Босимлар фарқи | 0,464 | 0 | 0 | 0 | 1 | 0 | 6,7 | 4,7888 |
| Ҳарорат | 0,3457 | 0 | 0 | 0 | 0 | 1 | 92,9 | 11,2116 |

$$\alpha_0 = -0,7071; \alpha_1 = 18,7070; \alpha_2 = -0,00026; \alpha_3 = -0,0061; \alpha_4 = 0,0217; \alpha_5 = 0,0075.$$

Регрессия тенгламаси қуйидагича ёзилади:

$$K_y = 18,707 \cdot K - 0,00026 \cdot B - 0,0061 \cdot P_{\text{гид.сик}} + 0,0217 \cdot \Delta P + 0,0075 \cdot t_{\text{кат}} - 0,7071. \quad (8)$$

Олинган регрессия тенгламасидан шундай хулоса келиб чиқадики, коллекторларнинг ўтказувчанлиги (К), босимлар фарқи (ΔР) ва қатлам ҳарорати (t) ошиши билан сиқиб чиқариш коэффициентини ортади, сувга тўйинганликнинг (В) ва гидравлик сиқилиш (P_{гид.сик}) ортиши билан эса камаяди. Олинган натижалар нефтни сув билан сиқиб чиқариш жараёни тўғрисидаги мавжуд қарашларга мос келади.

Ҳисоблаш натижалари шуни кўрсатадики, (8) тенглама билан ҳисобланган нефтни сув билан сиқиб чиқариш коэффициентини катталиклари экспериментал маълумотлар юқори даражада бир-бирига мос келади.

Масалан, ўтказувчанлик 0,0293 мкм² бўлганда сиқиб чиқариш коэффициентининг ҳисобланган қиймати 0,5344 ни, тажриба йўли билан аниқлангани 0,5300 ни, яъни оғиш фақат 0,82% ни ташкил қилади, 0,0194 ва 0,0136 мкм² ўтказувчанликларда бу кўрсаткичлар мос равишда: 0,5241; 0,5200; 0,78% ва 0,5291; 0,4900; 7,39% ни ташкил этди. Шуни таъкидлаш керакки, ўтказувчанлик ошгани сари, нефтни сув билан сиқиб чиқариш коэффициентларининг (8) формула билан ҳисобланган ва тажриба йўли билан аниқланган қийматлари ўртасидаги тафовут ўсиб боради. Бу натижа табиий ҳисобланади, чунки моделнинг қўлланилиш доираси ўтказувчанлик бўйича 0,001 дан 0,050 мкм² гача бўлган оралик билан чекланган. Шунинг учун олинган моделни ўтказувчанлиги кичик бўлган уюмларда нефтни сув билан сиқиб чиқариш коэффициентини баҳолашда қўллаш тавсия этилади, уларга эса ўтказувчанлиги 0,050 мкм² дан кичик бўлган объектлар киради.

Диссертациянинг **“Қолдиқ нефть захиралари харитасини қуриш**


усулини **Шакарбулоқ конида жорий қилиниши**” номли учинчи бобида қолдиқ нефть захираларининг жамланган зоналарини такомиллаштирилган усул билан Шакарбулоқ конида қуйида келтирилган алгоритмлар билан аниқлаш жорий этиш натижалари келтирилган (1-4 расм).

Скважинларда сизилиш билан қамраб олинган зоналардаги олинган нефть захирасини ҳисоби




1-расм. Сизилиш билан қазиб олинган олинган нефть захирсини ҳисоблаш алгоритми

Нефтни сув билан сиқиб чиқариш коэффициенти ҳисоби




2-расм. Нефтни сув билан сиқиб чиқариш коэффициенти ҳисоблаш алгоритми. Ғоваклик, нефтга тўйинганлик ва ўтказувчанликни ўртача қиймати ҳисоби



3-расм. Ғоваклик, нефтга тўйинганлик ва ўтказувчанликни ўртача қийматини ҳисоблаш алгоритми



Скважинларда сизилиш билан қамраб олинган зоналардаги нефтнинг геологик захирасининг ҳисоби



4-расм.Сизилиш билан қамраб олинган нефтнинг геологик захираси майдонини ҳисоблаш алгоритми


Скважинларда сизилиш билан қамраб олинган зоналардаги олинадиган нефть захирасини ҳисоблаш:

- қатламни чексиз ювиш шароитида $Q_{\text{к.ол.чек}} = K_{\text{с.ч}}$;
- иқтисодий фойдалилик чегарасига нефть олиш шароитида (скважинлар маҳсулотини 98 % сувланганликка етгунича)


$$Q_{\text{к.ол}} = Q_{\text{к.ол.чек}} [1 - \sqrt{a \cdot t_{\text{мах}}}] \quad (9)$$

Бажарилган ҳисоблаш натижасида сизилиш билан қамраб олинган нефтнинг геологик захираларини тақсимланганлик хариталари қурилди:

5-расмда ишлатишнинг 01.01.2014 йил ва **6-расмда** ишлатишнинг 01.01.2019 йил ҳолатлари учун келтирилган. Ушбу хариталарни таққослаш 2014 йилда қўшимча бурғиланган скважинлар асосан ишлатиш билан қамраб олинмаган зоналарда жойлашганлигини кўрсатди. Бироқ ушбу скважинлар бурғилангандан сунг ҳам конда нефть қазиб олиш жараёни билан қамраб олинмаган кўплаб зоналар қолган.




5-расм. 01.01.2014 йил ҳолати учун ишлатиш билан қамраб олинган нефть захирасининг тақсимланиш харитаси



6-расм. 01.01.2019 йил ҳолати учун ишлатиш билан қамраб олинган нефть захирасининг тақсимланиш харитаси

Шакарбулоқ конининг ғарбий қисмидаги кичик нефть қазиб олиш коэффициентини асосан қатламни сиздирилиш жараёни билан тўлиқ қамраб

олинганлиги ҳисобланади. Коннинг ғарбий қисмида нефть қазиб олиш жараёнига геологик захираларнинг фақат 28,3 фоизи жалб қилинган. Бунда ишлатиш билан қамраб олинган геологик захиралар зонасида нефть қазиб олиш коэффиценти 0,433. Ғарбий қисм бўйича 0,125 тенг бўлиб олинган захираларни ҳисоблашда қабул қилинган катталиқдан 0,19 кичик.



7-расм. Шакарбулоқ конида лойиҳа қудуқларини жойлаштириш ҳолати харитаси

Коннинг шарқий қисмида нефть қазиб олиш жараёни билан геологик захираларнинг 15% дан кўп бўлмаган қисми қамраб олинган. Ишлатиш билан қамраб олинган зонада нефть қазиб олиш коэффиценти 0,53 Шарқий қисм бўйича эса 0,08 ташкил этади. Коннинг Шарқий қисмида ҳам асосий қолдиқ нефть захиралари ишлатиш билан қамраб олинган зонада жамланган. Шу сабабли нефть қазиб олиш коэффицентини асосий ошириш йўли қатламдаги скважинлар тўрини зичлаштириб ишлатиш билан қамраб олинганлик коэффицентини орттириш ҳисобланади.

ХУЛОСА

“Конларни охириги ишлаш босқичида қолдиқ нефть захираларининг тўпланган зоналарини аниқлаш методларини такомиллаштириш” мавзусидаги Техника фанлари номзоди (PhD) илмий даражасини олиш учун бажарилган диссертация тадқиқотлари натижалари асосида ишнинг илмий янгилиги, амалий ва илмий аҳамияти кўрсатилган ҳамда қуйидаги назарий хулосалар ва амалий тавсиялар шакллантирилган.

1. Ҳозирги вақтда ягона, умумий қабул қилинган қатламдаги қолдиқ нефтни унинг ётишига қараб баҳолаш услуби мавжуд эмаслиги кўрсатилган. Мураккаб табиатлилиги ва тарли геологик-физик шароитларда ва нефть уюмини ишлатиш системаларида қолдиқ нефть захираларининг ҳосил бўлиш механизмининг етарлича ўрганилмаганлиги сабабли бу масала турли усулларни қўллаб ечилади. Таклиф қилинган захираларни ҳисоблашнинг

ҳажмий усулини қўллашга асосланган қолдиқ нефть захираларини тарқалганлик харитасини қуриш, нефтни сув билан сиқиб чиқариш характеристикаси, скважинлар интерференцияси ва компьютерли моделлаштириш ўзининг камчиликлари билан характерли, булар қолдиқ нефть захирали худуд конфигурацияси ва ўлчамларини нисбатан аниқлашга ва уларнинг захираларини қазиб чиқариш бўйича геологик-техник тадбирларнинг самарадорлигини пасайишига олиб келади.

2. Қолдиқ нефть захиралари бор худудларни ишончлироқ аниқлаш учун скважинлар томонидан сиздирилган қатламнинг турли худудлари кон-геологик параметрларини қўллашга асосланган уларнинг тарқалганлик харитасини қуришнинг такомиллашган ва қўлланилиши содда усул таклиф қилинган. Такомиллаштирилган усул скважинлар билан сиздирилган худудларда бўлганидек мавжуд ишлатиш системаси билан қамраб олинган худудлардаги нефтнинг бошланғич ва қолдиқ геологик ва олинадиган захираларини аниқлашга имкон беради. Бу худудларда сиқиб чиқариш ва сиқиб чиқариш билан қамраб олиш коэффициентларини ўрнатиш қолдиқ нефть захираларини қазиб олиш усулларини асосли танлашга имкон беради.

3. Моделнинг сиқиб чиқариш коэффициентини аниқлаш учун таклифлар турли параметрларнинг бирга қўшишга асосланган: ўтказувчанлик ва нефтнинг қовушқоқлиги; ўтказувчанлик, қовушқоқлик ва нефть таркибидаги асфальтенлар ва мумлар миқдори; газнинг, нефтнинг зичлиги бўйича аниқланадиган ўлчамсиз параметр ва ғоваклик; нефтнинг ҳаракатланувчанлиги ва бошқалар. Бу моделлардан Бухоро-Хива нефтгазлилик региони конларининг геологик - физик шароитлари учун фойдаланилиши шуни кўрсатдики, барча ўтказувчанлик ўзгариши диапазонларида сиқиб чиқариш коэффициентининг бир-биридан фарқ қилувчи қийматларини берди.

4. Бухоро-Хива нефтгазлилик региони конларининг XV-PO, XV-P XV-PU горизонтлари оҳактошлари тадқиқотини умумлаштириш ва математик қайта ишлаш натижасида коллекторнинг ўтказувчанлигини, депрессияни, қатлам ҳароратини, сувга тўйинганлигини қисилиш босимини нефтни сув билан сиқиб чиқариш коэффициенти катталигига таъсири даражаси аниқланди.

5. Кўп факторли регрессион таҳлилни қўллаб қолдиқ нефть захираларининг асосий қисмини ўз ичига олган Бухоро - Хива нефтгазлилик региони асосий маҳсулдор қатламлари камўтказувчан оҳактошлари учун нефтни сув билан сиқиб чиқариш коэффициентини аниқлаш учун математик модел олинди.

6. Тавсия этилган метод бўйича Шакарбулоқ нефтгазконденсат кони учун қурилган қолдиқ нефть захираларини тарқалганлик харитаси асосида вертикал ва горизонтал скважинларни бурғилаш, сувланганлиги сабабли вақтинча ёпилган скважинларда иккинчи стволни бурғилаш йўли билан ишга тушириш ва қирқимнинг юқори нефтга тўйинган интервалларида сувдан изоляция қилиш ишларини қўшимча перфорация билан ўтказиш геологик-техник тадбирлари ишлаб чиқилди.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ
DSc 03/05.06.2020. Т.03.06 ПРИ ТАШКЕНТСКОМ**

**ГОСУДАРСТВЕННОМ ТЕХНИЧЕСКОМ УНИВЕРСИТЕТЕ
КАРШИНСКИЙ ИНЖЕНЕРНО-ЭКОНОМИЧЕСКИЙ ИНСТИТУТ**

БОБОМУРОДОВ УТКИР ЗИЯДУЛЛАЕВИЧ

**СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ МЕТОДОВ УСТАНОВЛЕНИЯ ЗОН
СОСРЕДОТОЧЕНИЯ ОСТАТОЧНЫХ ЗАПАСОВ НЕФТИ,
В ПОЗДНЕЙ СТАДИИ РАЗРАБОТКИ МЕСТОРОЖДЕНИЙ**

04.00.13 - Разработка и эксплуатация нефтяных и газовых месторождений

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD) ПО
ТЕХНИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Ташкент-2022

Эта диссертация доктора философии (PhD) по техническим наукам
присвоена в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров
Республики Узбекистан за В2018.1. Ph.D.7563.

Диссертация выложена в Каршинском инженерно-технологическом институте.
Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (романси))
регламент на веб-странице (www.ibt.uz) и на Информационно-образовательном портале
«Сурон» (www.suron.uz).

- Научный руководитель: **Махсудов Назарилла Насимович**
доктор технических наук, профессор
- Официальные оппоненты: **Закиров Алишера Абдурашидович**
доктор технических наук, профессор
Ахмедов Хулдор Баймаданов
доктор технических наук, доцент
- Ведущая организация: **Бухарский инженерно-технологический институт**

Защита диссертации состоится «28» февраля 2022 года в «14:00» часов на заседании
Научного Совета Д80.01.01/06.2020 Т.03.06 при Ташкентском государственном
техническом университете (Адрес: 100097, г.Ташкент, ул. Университетская, 2, факультет
Информационно-технологий, ауд. 215. Тел. +(99871) 246-45-00, факс +(99871) 227-10-32, e-
mail: ibt@ibt.uz).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре
Ташкентского государственного технического университета (адрес: зарегистрировано по №241)
(Адрес: 100097, г.Ташкент, ул. Университетская, 2. Тел. +(99871) 246-03-41).

Автореферат диссертации расслан «__» _____ 2022 года
просит предоставить расслания №__ от _____ 2022 года.



Рахимов А.А.
Председатель научного совета
по присуждению ученых степеней, д.т.н.

Каримов Ш.А.
Заместитель председателя научного совета
по присуждению ученых степеней,
доктор философии (PhD) по техническим наукам

Алиев Б.А.
Председатель научного семинара при
научном совете по присуждению
ученых степеней, д.т.н.

Введение (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. В мире основной проблемой нефтегазовой отрасли всех стран является более полное извлечение геологических запасов нефти из месторождений, находящихся в поздней стадии разработки. В последние годы по многим странам мира имеет место тенденция к снижению среднего коэффициента извлечения нефти из-за интенсивного роста доли трудноизвлекаемых запасов. В этом направлении для повышения эффективности разработки месторождений в зависимости от их геолого-физических условий и реализованных систем внедряются различные методы интенсификации добычи нефти. Эффективность проведенных геолого-технических мероприятий во многом зависит от достоверного установления зон концентрации остаточных запасов нефти на разрабатываемых месторождениях.

В мире развитие методологических основ прогнозирования зон концентрации остаточных запасов нефти направлено на комплексное использование разнородных методов, из-за сложной природы и недостаточной изученности механизма образования остаточных запасов нефти. В настоящее время не существует общепринятой методики оценки остаточных запасов нефти. Исследования в этом направлении основаны на построении карт распределения остаточных запасов нефти с использованием объемного метода подсчета запасов, характеристик вытеснения нефти водой, интерференции скважин и компьютерного моделирования. Каждому из этих методов характерны свои недостатки, которые приводят к недостаточно достоверному определению размеров и конфигурации зон с остаточными запасами нефти, что снижает эффективность мероприятий по их извлечению. Для решения этой задачи необходимо использовать дополнительные критерии, позволяющие надежно прогнозировать зоны сосредоточения остаточных запасов нефти на поздней стадии разработки месторождениях.

В республике проводятся широкомасштабные работы по повышению степени извлечения нефти на разрабатываемых месторождениях путем внедрения как традиционных геолого-технических мероприятий, так передовых технологий по гидравлическому разрыву пласта, бурению горизонтальных скважин, радиальному вскрытию пласта и др. В стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан¹ определена необходимость широкого внедрения в производство энергосберегающих технологий, повышения производительности труда в отраслях экономики, а также продолжения политики стимулирования производства для поднятия на новый технологический уровень деятельности отраслей промышленности. Исходя из этого, совершенствование методов оценки зон концентрации остаточных запасов нефти, повышение эффективности проводимых геологотехнических мероприятий и разработка залежей нефти имеют важное значение.

¹ Указ Президента Республики Узбекистан ПФ-4947 от 7 февраля 2017 года «О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан»

